

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил



Хуқуқий жамият қуриш йўлидаги дадил қадамлар

Мана, йигирма йилдирки, мазмун-моҳияти инсонни улуғлашга, унинг шаъни ва ғурурини ифодалашга,

кўпмиллатли ватандошларимизнинг инсоний эрки ва ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган Конституциямиз ҳимоясида умғуззаронлик қилиб, озод ва обод Ватанимизнинг буюк келажagini яратишдек бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб келмоқдамиз.

Айни чоғда Бош қомус мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ислохотлар, одамлар турмуш тарзи ва онг-шуурида юз берётган ўзгаришлар, ҳаётимизнинг янада фаровонлашуви, харид қобилиятининг ошиши билан боғлиқ давлат дастурларида кўзда тутилган бунёдкорлик ишларининг ҳуқуқий асоси, ишончли кафолати, илҳомбахш манбаи бўлиб

хизмат қилмоқда. Бу қомусий ҳужжат одамлар қалбида озод Ватан бағрида эмин-эркин яшаш, орзу-умидларни рўёбга чиқариш, илм олиш, меҳнат қилиш, яратувчанлик ва ижодкорлик билан шуғулланиш, ҳалол меҳнат самараси бўлган хариддорбop маҳсулотлар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида улкан ютуқларга эришиш орқали дунё кенгликларида чиқиш туйғусини қучайтирди ва бунинг учун за-

рур бўлган барча имкониятларни яратиб берди, десак муболаға бўлмайди.

Бинобарин, ҳар қандай жамиятнинг мақсад-муддаосини, амал қилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларини унинг Бош қонунидан ҳам билса бўлади. "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини

таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши", дейилади 4-моддада. Бу улуғ, шарафли мажбурият "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг қоида ва нормаларига тўла мос келади, шу боисдан ҳам, мана, йигирма йилдирки, ҳаётимизда, турмуш тарзимизда тўла номён бўлмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

Бандлик дастури фракция муҳокамасида

Йиғилишда банд бўлмаган аҳолини, жумладан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган чоратadbирларга алоҳида эътибор қаратилди

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Собир Турсунов олиб борган мазкур йиғилишда "2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" лойиҳаси муҳокама этилди. Унда Қонунчилик палатаси қўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул раҳбар ходимлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда ➤

Концепция: устувор вазифалар

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Одил суд тизими:

либераллаштиришга қаратилган
ислохотларнинг мантиқий давоми

Жумладан, фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнлари инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш тақлиф этилди. Концепциянинг ушбу йўналиши ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳасини тай-

ёрлаш бўйича эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланган бўлиб, эксперт гуруҳи томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди ҳамда кодекснинг дастлабки лойиҳаси кенг жамоатчилик ва мутахассисларнинг танишиши учун Адлия вазирлигининг расмий сайти орқали Интернет тармоғида эълон қилинди.

Давоми 3-бетда ➤

Кўрик-танлов

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашида партияга аъзо аёллар ўртасида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган «Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, партия туман кенгашлари раислари, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» аъзолари, шунингдек, кўрик-танловнинг туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган совриндорлар иштирок этдилар.

Кучлилар сараланди



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароит-

лар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани хусусида сўз юритиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенга-

ши томонидан ўтказилаётган ушбу кўрик-танлов партияга аъзо хотин-қизларнинг жамият, шунингдек, партия ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳия-

ти билан таништириш, партия фаоли сифатидаги масъулиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда катта ўрин тутшини таъкидлади.

Давоми 6-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун
обуна давом этмоқда!

Вақтида обуна бўлишни унутманг,
ана шунда газетани излаб овора бўлиб
юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга
ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!
Нашр кўрсаткичи 100.



Ижтимоий ҳимоя

Мен мана шу гўзал диёрда туғилиб ўсганимдан ва меҳридарё инсонлар яшаётган юртнинг фарзанди эканимдан фахрланаман, "Адолат" социал-демократик партиясига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Партия ҳаёти

Бандлик дастури фракция муҳокамасида

Йиғилишда банд бўлмаган аҳолини, жумладан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди

Давом. Боши 1-бетда

Дастлаб, кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири биринчи ўринбосари Б.Алимхамедовнинг маърузаси тингланди.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сурган, барқарор ривожланган давлатлар иқтисоди танг аҳволга тушиб, минг-минглаб одамлар ишсиз қолаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишбилармонларнинг ўз ишини очишига ҳар томонлама ёрдам бериш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бундай эътибор самараси ўлароқ, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида республика бўйича жами 773 мингга ёки белгилангандан 28,5 мингтага кўп иш ўринлари ташкил этилди. Дастур параметрлари 103,8 фоизга бажарилди, иш ўринларининг 486,1 мингтаси ёки 62,9 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, ҳар йили парламент томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат дастури қабул қилинмоқда. Мазкур дастур доирасида мутасадди вазирлик ва маҳаллий ҳокимликлар зиммасига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларни меҳнатга жалб этиш, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ғояси билан чиққан фуқароларга қулай шароит яратиш, айтиш пайтда, уларни



Ойша АХУНОВА, фракция аъзоси

қўллаб-қувватлаш ўта масъулиятли вазифа сифатида юклянипти. Мамлакатимизда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича жами 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ташкил этилиши, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолини турли шаклдаги қасаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш каби бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Албатта, аҳолини, энг аввало, эртанги кун эгалари бўлиши ёшларни, касб-хунар

қўллаб-қувватлаш таъминлаш, янгидан-янги барпо этилаётган корхона ва фирмаларни малакали ишчилар билан тўлдирish ҳам энг устувор вазифалардан бири. Хўш, 2012 йилда ёшларни касбга йўналтириш, уларни қайта ўқитиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди? Таълим муассасалари битирувчиларининг корхона-ташкilotларда намунали амалиётини кучайтириш, иш ўрни очилгани ҳақидаги ахборот ва ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги юзасидан мониторинг олиб бориляптими? Битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида тузилаётган уч томонлама меҳнат шартномалари мониторинги олиб бориляптими? Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Қизғин мунозараларда фракция аъзолари, хусусан, А.Ахмедов, Қ.Жўраев, Т.Абдусатторов, М.Нишонов ва О.Ахунова шу каби саволларни ўртага ташлади.

Йиғилишда, шунингдек,

ҳудудий ривожланиш дастурларини маромига етказишда мутасадди корхона-ташкilotлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ҳисоботлар тайёрлаш ва уларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш тизимини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланиб, бу борада таклифлар берилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП позицияси нуктаи назаридан ўз таклиф ва тавсияларини билдириб, "2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" лойиҳасини маъқуллади.

Ойша АХУНОВА, фракция аъзоси



— Бугунги кунда дунёда молиявий иқтисодий инқироз ҳамон давом этмоқда. Бунинг натижасида иқтисодий энг ривожланган қўллаб-қувватлаш дастури иш ўринлари қисқартириб борилаётган бир пайтда, мамлакатимизда ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани қувонарли ҳол, албатта. 2009 йилдан буён иш ўринларини ташкил этиш ва

аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, ёшларни, жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга аниқ йўналтирилган қарорлар чора-тадбирлар кўриб келинаётгани ана шундай ижобий натижаларни бермоқда.

2012 йилда иқтисодиётимиз диверсификациянинг давом эттирилиши натижасида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар амалга оширилди.

Биргина мисол. Деҳқонobod қалий ўғитлар заводининг иккинчи навбати ишга туширилиш арафасида. Мазкур завод 2013 йилда ишлаб чиқариш қувватини икки баробар оширишни кўзда тутган. Албатта, бунинг учун завод техник ва технологик қайта жиҳозланади ва юқори технологияларга асосланади. Шу билан бирга, қўшимча ишни ўринлари ҳам яратилиши тақозо этилади. Бу эса, ўз навбатида, мутахассис кадрларга эҳтиёж тугдиради.

Дастурга кўра, 2013 йилда иш ўринларига бўлган эҳтиёж 1219,7 минг нафар кишини ташкил этиши кўрсатилган. Шулардан 575,7 минг нафари таълим битирувчилари ташкил этади. Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга турли корхоналар билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассислар ҳақида ғамхўрлик қилиш белгиланган. Шу нуктаи назардан айтганда, дастур ижросининг мониторинги ва иш ўринларини ҳисобга олишнинг механизми, банд бўлмаган аҳолини, жумладан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар асосий диққат марказимиздаги масала бўлиши лозим. Шу

нингдек, ўқув юртлари бўйича кадрларга буюртмалар қай даражада ташкил этилгани мутасаддилар олдида турган устувор вазифалардан биридир.

Фракция мазкур дастурни қўллаб-қувватлар экан, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, дастурнинг мазмун-моҳиятини сайловчилар билан учрашувларда атрофлича тушунтириш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш партияимиз ва фракцияимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Тўлқин АБДУСАТТОВ, фракция аъзоси



Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мубофиқ, жорий ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган 501,5 минг нафар йигит-қиз мутахассислиги бўйича амалиёт ўташ ва ишга жойлашиш учун 93 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди. Шу билан бирга, ижтимоий

ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳам ишга жойлаштирилди.

Таъкидлаш керакки, Дастур лойиҳаси ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини, оилавий бизнесини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳнат ресурсларидан, шунингдек, бандликни таъминлашнинг самарали шаклларида оқилона фойдаланиш нуктаи назаридан ишлаб чиқилган. Булар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида таъкидланганидек партия Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиши, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ сий-ҳаракатларни амалга ошириш, касб-хунар таълимнинг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилади.

Шунинг учун Дастурда қўйилган вазифалар ижроси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳлари зиммасига юксак масъулият юклайди. Зеро, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, электрлот манфаатини самарали ҳимоялаш доимий эътибор талаб этади.

Фарҳод ЭСОНОВ, "Адолат" мухбири

Қайта тикланувчи энергия

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг диққат марказидаги масалалардан биридир

Семинар

Хоразм вилояти "Маънавият тарғибот маркази"да Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари фаоллари учун "Ижтимоий муносабатларнинг демократлашуви янги босқичида партиявий-сиёсий иш усули ва услубларини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Аппарати ходимлари, ҳудудий партия Кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар иштирок этишди.

Жойларда тизимли равишда ташкил этилаётган мазкур семинарлар мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳиятини жамоатчиликка етказишга, сиёсий жараёнларда "Адолат" СДПнинг ўрни ва ролини янада ошириш, фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, юқори натижаларга эришишда ҳалакат берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашда партия ташкилотлари, хусусан, маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

— Бугун юртимизда кечаётган демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли изчил ислохотларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, — деди маърузачи. — Бу эса маҳаллий кенгашлардаги депу-

татлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, партия дастурий максадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, айниқса, аҳолининг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш депутатлар олдида турган муҳим вазифалар саналади. Мазкур масалаларни амалга оширишда халқ депутатла-



ри вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлик гуруҳлари сессияларда ўз лойиҳалари ва ташаббуслари билан фаол иштирок этишлари лозим бўлади.

Тезкор даврга ҳамоханг равишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар партия фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Бу жараёнда эса белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқ, албатта. Қайд этиш жоизки, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг доимий диққат марказидаги масала бўлиб келмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Эшметовнинг "Ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва кадрлар масъулиятини ошириш — партия иш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарт" номли маърузасида бу янада яққолроқ намоён бўлди.

— Эришилаётган ютуқларимизга қарамаддан кадрлар заҳирасини замон талаблари даражасида шакллантириш партия ташкилотлари олдида тур-

ган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда, — деди маърузачи. — Бунинг учун эса партиянинг барча бўғиндаги раҳбарлари масалага масъулият билан ёндашган ҳолда иш олиб боришлари, бу жараёнда, энг аввало, фидойи, ташаббускор, замонвий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар заҳирасини мунтазам равишда шакллантириб боришлари лозим. Қолаверса, замонвий билим ва кўникмалар билан қуролланган, масъулиятни ҳис қиладиган ёш кадрларни танлаш билан чегараланиб қолмасдан уларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ зарур.

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Раъван Атамуродовнинг "Инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича партия дастурий вазифаларининг ижроси" номли маърузаси иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби фан ва техникани ривожлантиришда ҳам залворли ютуқларга эришилди. Бунда мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукуватимиз томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга қаратилган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам фаолиятида республикаимизда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этишга муҳим вазифа сифатида қараб келмоқда. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик

қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади.


Шу жиҳатдан муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш борасидаги ҳудудий партия ташкилотларининг ўзаро таъриба алмашишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Комилжон Шодиметов бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Семинар давомида Тошкент вилояти партия Кенгаши сий-ҳаракати билан вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан "Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан афро-мухитни ортқича ифлослашдан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги масала халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XX сессияси кун тартибидан кенгайтирилган ишларнинг қиритилиши ижобий баҳоланди. Мазкур масала бўйича ҳар бир ҳудудий партия ташкилотларига депутатлик гуруҳлари билан ишлаш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши фаолиятида ғоявий-маърифий ишларнинг шакллантирилишида Аёллар ва «Ёш адолатчилар» қанотлари ишини ташкил этиш тажрибаси» мавзусида вилоят партия Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси Гулнисо Саидованинг маърузаси тингланди.

Семинар-тренинг сўнггида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган "Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" қўриқ-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати



Янги мажмуа

Қашқадарё вилоятидаги Муборак газни қайта ишлаш заводида бунёд этилган табиий газдан пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси бир йилда 12 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқаради.

Мажмуа таркибида компрессор станцияси, газни цеолит ёрдамида қуришти ва пропан-бутан олиш қурилмалари мавжуд. Бутун жараён марказий бошқарув-операторлик хонасидан компьютерлар орқали бошқарилади.

Мажмуани бунёд этишда «Нефтьгаз-монтаж», «Муборак-нефтьгаз-монтаж», «Қашқадарёнефтьгазсанотқурилиш», «Бухорогазсанотқурилиш», «Тошкентнефтьгазқурилиш» акциядорлик жамиятлари жамоалари фаол иштирок этди. Мажмуада бошқарув тизимини компьютер дастурлари билан таъминлаш, ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ишлари ниятсизга етказилмоқда.

Суратларда: Муборак газни қайта ишлаш заводидаги табиий газдан пропан-бутан аралашмасини ажратиш олиш цехи электрончи-муҳандислари Акмал Шероф ва Ёркин Оралов; цех бошлигининг ўринбосари Муродулло Дамиров.

Жамшид НОҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Адолат ва қонун устуворлигининг мустаҳкам пойдевори

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига 20 йил

Барчамизнинг ҳаётимизда ўзимиз учун қадрли, соғиниб кутадиган кунлар, воқеалар бўлади. Лекин шундай кунлар ҳам бўладики, мазкур кунда барчанинг қувончи, ҳис-ҳаяжони муштарак бўлиб, ўзининг аҳамияти, тааллуқлилиги жиҳатидан бутун бир миллатни бирлаштиради. Мана шундай кунлардан бири бу Конституциямизнинг қабул қилинган куни десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки бу мўътабар Қомус — Асосий Қонун қабул қилинган кун — мустақил Ўзбекистон тараққиётида бекиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий кун бўлиб қолди. Бу яна шу билан изоҳланадигани, ҳар бир мамлакатда у ёки бу жорий қонунлар бўлиши ва у муайян вақтдан сўнг номи ўзгариши ёхуд бекор бўлиши мумкин. Бироқ Конституция инсон, жамият, давлат манфаатларини ва иродасини ўзида ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқаруви шакли асосларини белгиловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва принципларини мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлиб, у ўзининг ягоналиги ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

Мана, йигирма йилдирки давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугуни, балки келажиги ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаб берувчи Конституциямиз қоидалари асосида яшаб келмоқдамиз. Шу давр мобайнида барчамиз ватанимиз раънақи, юртимиз тинчлиги, халқ фаровонлигининг ҳуқуқий кафолатини ўзида мужассам этган Конституциямизда зикр этилган мақсад ва мудоақарга эришиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз.

Конституциянинг барчамиз учун қадрли бўлиши унинг ўзига хос хусусиятларида яққол намоён бўлади. **Биринчидан**, халқимиз асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт

қуришни орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган, халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида ифода этган, **иккинчидан**, Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, **учинчидан**, инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутган. Асосий қонунимизда, биринчи навбатда, шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида

масъул эканликлари, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлиб, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши қайд этилган.

Конституция фуқаро, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган.

Конституциямиз, шунингдек, ўзининг тўб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжат бўлиб, унда коммунисттик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқлиги, яқна мафкура ҳукмронлигидан озод этиб, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ва ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Аввалги собиқ тузум давридаги конституциялардан фарқли ўлароқ, Конституция ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этишини, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлишини кафолатлаган. Бу эса хусусий мулкнинг ривожланишига, аввало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат мил-



лий бойлик яратишда ва уни зийда этишда, балки ҳар қайси оилани боқишда муҳим омил бўлмоқда.

Конституцияда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамланди.

Халқимизда, оила тинч — юрт тинч деган серхикмат мақол мавжуд. Оилада аҳиллик бўлса, юртда аҳиллик бўлади. Оилада илм-зиё, маънавий-ахлоқий масалалар тўғрй йўлга қўйилган бўлса, жамиятда фозиллик, комиллик бўлади. Оиланинг иқтисоди мустаҳкам бўлса, мамлакатда фаровонлик ҳукм суради. Шу жиҳатдан оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мустаҳкамлиги, мамлакатнинг ҳам шу соҳаларда умумий оила сифатида ривожига бекиёс таъсир кўрсатади. Давлат ва жамият ҳаётида оила институтининг аҳамияти юқори эканлигидан келиб чиқиб, Конституциянинг XIV боби оилага бағишланиб, оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қабул қилинганлиги, 1998 йилнинг "Оила йили", 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинишининг ўзбек жамиятимизда оилага нақадар юксак эътибор берилаётганлигининг яққол исботидир.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг амалий натижаларини яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари ҳам яққол тасдиқламоқда. Унга кўра сўров иштирокчилари, биринчи навбатда, яқинда мамлакатимизда 20 йиллиги кенг нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш зарур, деб ҳисоблайди. Уларнинг 90 фоизи "Конституция — мамлакатимизнинг Асосий Қонуни" ва "ҳар бир фуқаро уни билиши шарт", деган фикрда. Сўров қатнашчиларининг фикрича, ислохотлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ва давлат ташкилотлари фаолиятининг мунтазам тақомиллаштирилиши фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини турли таҳдидлардан ҳимоялаш кафолатининг кучайишига хизмат қилади. Иштирокчиларнинг 94,4 фоизи фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши ва камситилиши мумкинлигидан ҳуқуқий жиҳатдан пухта ҳимоя қилинганлиги ишонди. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, меҳнати, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланаётганлигини ҳам юқори баҳолайди.

Конституциямизнинг 41-42-моддаларида таълим, илм-фан борасидаги давлат кафолатларини натижага ўлароқ таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллади.

Агар мустақилликдан аввал ҳусусий мулк деган тушунчани тасаввуримизга келтиролмаган бўлсак, ҳозирда Конституциянинг 53-моддасида белгиланган тарихий, улкан имконият — бу

хусусий мулкка эгалик қилиш, тадбиркорликка кенг йўл очилиши ҳисобланади. Шунини айтишни ўзи кифояки, 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллиати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилмоқда.

Мирваззат МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи

Ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги дадил қадамлар

Давоми. Боши 1-бетда

Конституциянинг бу моддаси жуда фалоник билан ишламоқда, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини миллий истиқлол гоёси асосида янгилаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг узоқ келажакка муъжалланган тараққиёт йўлини белгилашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу биргина моддада ифодаланган мақсад янгида бунёд этилаётган эркин, очик жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар бирдек улуғлиниши, ҳалқимизнинг эзгу инсоний фазилатлари ўз ифодасини топди, дея айта оламиз.

Ўтган йигирма йилнинг ҳар бири, мустақиллик тарихининг залворли саҳифаларига айланди. Халқимиз, айниқса, ёш авлод ўтган йиллар давомида қандай ютуқларга эришган, қандай улғу марраларни забт этган бўлса, одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар юз берган бўлса, буларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, Конституция туфайлидир. Эркини ўз қўлига олган, келажакга ишончи мустаҳкам халқнинг шиддати, ғайрат-шижоати баланд бўлади. Мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги бугунги нуфузи, дунё давлатчилиги тараққиётига, умуминсоний маданият ва тафаккур ривожига, тинчлик-тотувлик ишига қўшаётган ҳиссасида ҳам шу ҳужжатнинг ўрни бор, албатта. Бу жараён яна узоқ давом этади, ис-

тиқлол шароитида кечаётган умримизнинг ҳар йили буюк келажак сари интилишимизга ўзига хос шиддат бағишлайди.

Бугун мустақил Ўзбекистон дунёнинг иқтисоди изчил ва юксак маромда ривожланаётган давлатларидан бири ҳисобланади. Бу — бизнинг Конституция берган имкониятлардан нечоғли тўла фойдаланганимиз, ҳамжихатликда иш тутганимиз, ҳар бир соҳада пишиқ-пухта режа тузганимиз, истиқлол гоёларига чексиз садокатимиз самарасидир.

Истиқлол даврида туғилган фарзандлар камолга етди, бунёдкор ота-оналарнинг ёнига кирди, улар бошлаган улғу ишларни давом эттиришга бел боғладди. Бу жараёнда хорижий меҳмонлар кўзи билан қарасак, орадан ўтган дастлабки йигирма йилнинг ҳеч нарсасига қиёслаб бўлмайдиган салмоғи яққол намоён бўлади. Олис Япониядан келган сайёҳ Исуда Яомотанинг ушбу сўзларига эътибор беринг: "Мен Ўзбекистонга собиқ тузум шароитида ҳам келганман, кўп нарсалардан хабарим бор. Аммо қисқа вақт ичида бутун мамлакатнинг, катта-катта шаҳарларнинг деярли қайта қурилгани, тўқилиб нурай бошлаган тарихий обидаларнинг аввалгидай қад ростлаганини кўриб ҳайратимни яшира олмай қолдим. Ўзбек халқининг бунёдкорлик маҳоратиға қўйил қолдим".

Бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, ишбилармонлар, йирик сармомдорлар Ўзбекистонда тадбиркорлик ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун барча

ҳуқуқий асослар яратилганига эътибор беришади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатларига тўла асосланган янги молия-банк тизими юзага келди. Бу тизимда олиб борилаётган тадбирлар, хусусан, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражаси ва ликвидлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро рейтинг агентликларини томонидан юксак баҳо-ланмоқда.

Шу ўринда финляндиялик дипломат Тула Ирйоланинг "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатига чоғида билдирган қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш жоиздир: "Финляндиянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида сўнги икки йил давомида мамлакатингиз билан яқиндан танишганим туфайли шуни ишонч билан айта оламанки, юртингиз кўлга киритган ютуқларнинг муҳим омили шу заминда яшаётган инсонларнинг эзулигига иштиёқ-мандлиги ва меҳнатқашлиғидир".

Жамият ривожлангани сари одамлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан мазмунли яшашни, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишни, фарзандларини бекаму кўст тарбиялаб воёга етказишни, ўзим яхши ном, эзгу амаллар қолдиришни истади. Демократик ривожланиш йўлини тутган мамлакатларда бундай исфакларни рўёбга чиқариш мамлакат микёсида қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг бош мақсадини белгилайди. Мамлакат тараққиёти жамият

аъзоларининг фаоллигига, фидойи ва ташаббускорлигига, муштарак мақсад йўлидаги масъулиятга боғлиқ бўлиб қолади. Халқимиз, айниқса, ёш авлод шу масъулиятни чуқур ҳис этаётгани, улар қалбида ватанпарварлик, миллий истиқлол гоёларига садокат ҳисси тобора жўш ураётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Мустақил мамлакатимиз Конституциясида янги жамиятнинг янги аъзолари тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Бу авлод вакиллари бўлмиш фарзандларимиз истиқлол Конституцияси боис юзага келган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар ва бу билан ўзларининг улғу аждоқларига муносиб ворис эканликларини амалда намоён этмоқдалар. Ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги иштироки, айниқса, ижтимоий фаоллиги, истиқлол гоёларига садокати ҳам тобора ошиб бормоқда. Буни, масалан, "Адолат" социал-демократик партияси сафида ёшларнинг сони тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Демак, жамият ҳаётида ижтимоий адолатни қарор топтиришдек улғу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларни бундан буён ҳам изчиллик билан давом эттириш, ёш авлод вакиллари билан янада самарали ишлаш зарур бўлади. Ёшларнинг тақдир ва ташаббусларига диққат-эътибор бериш, уларнинг талаб ва истакларини инобатга олиш, ютуқларидан фахрланиш мамлакат Конституциясида эътироф этилган буюк мақсадларга

"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", дейилади 4-модда. Бу улғу, шарафли мажбурият "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси"нинг қонда ва нормаларига тўла мос келади, шу боисдан ҳам, мана, йигирма йилдирки, ҳаётимизда, турмуш тарзимизда тўла намоён бўлмоқда.

эришишда катта аҳамият касб этади. Мустақил Ўзбекистоннинг янада равнақ топиши учун ҳар биримиз масъул эканмиз, ёшлар билан ишлаш бизнинг шарафли бурчимиз бўлиб қолиши керак.

М. АҲМЕДОВ

Одил суд тизими: либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давоми

Давоми. Боши 1-бетда

Кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасида, авваламбор, жиноят қонунчилигини декриминаллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарурлиги белгилаб берилди. Шубҳасиз, мазкур тақлиф мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиб келинаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Муайян ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасида Жиноят кодексининг муайян моддаларида назарда тутилган жиноятларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказиш назарда тутилмоқда. Булар жумласига қасддан баданга енгил шайек етказиш; тухма; ҳақорат қилиш; фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиниш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш; савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш кирди.

Ушбу тақлифларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш кафолатларининг янада кучайтирилиши билан боғлиқ бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги аҳамиятли нуктаи назаридан кўриларин ҳар бири катта аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, эксперт гуруҳи томонидан жиноят қонунчилигини декриминаллаштириш тарзида жиноий

юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш тақлиф этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг деярли барчаси маъмурий преюдицияга (яъни, улар учун дастлаб маъмурий жавобгарлик, яна содир этилгандан кейин жиноий жавобгарлик юзага келади) эга бўлиб, улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлардан иборат. Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига мувофиқ келади.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасидаги мазкур янгиланганликларни яна бир муҳим аҳамияти шундаки, ушбу қилмишларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали нафақат тегишли ҳазо чоралари енгиллашади, шу билан бирга, уларни содир этганлик учун жиноят қонунчилигидан келиб чиқадиган судланганлик каби ҳуқуқий оқибатлар юзага келмайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги тахрирда қабул қилиниши, бир томондан, жиноят қонунчилигини янада либераллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг амалда қўлланилишида ижобий самарасини кўрсатади.

Хушнуд МАДРИМОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка
риоя этилиши устидан назорат
қилиш бош бошқармаси
бўлим бошлиғи

Жараён

Тезкор-қидирув фаолиятида фуқаролар ҳимояси

Депутат минбари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, демократлаштириш ва модернизация жараёнлари нафақат республикаимиз аҳолиси, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-этиборида, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик ривожланиш йўлига назар ташлайдиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши тадрижий асосларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга кириштириб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганидан сўнг, тизимлилик ва тадрижийлик асосида собиқ тузумдан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-бўйруқбозлик тизimini тубдан ислох қилиш, унинг ўрнида мохият-этибори билан бутунлай янги — ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан борди.

Эндики вазифа — демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиб, ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида илгари сурилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари жамиятимизда ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бериши билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида рўйбга чиқарилаётган «ўзбек модели»нинг имкониятларини сафарбар қилиш ва изчиллигини таъминлаш, энг муҳими, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан низоҳатда аҳамиятлидир.

Жумладан, Концепцияда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиш таклифини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу қонун тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва усуллари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб беради. Қонуннинг асосий мақсади тезкор-қидирув йўналишидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат. Жаҳоннинг энг ривожланган демократик мамлакатларида тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ процессуал механизмлар аниқ белгиланган бўлиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу давлатларнинг умумэтироф этилган амалиётига тамомила мос келади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва эндиликда маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилган ушбу қонун тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ тадбирларини

амалга ошириш механизмлари бир қатор қонун ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлар, Жиноят-процессуал Кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган бўлса-да, ушбу фаолият шу пайтга қадар алоҳида тизим шаклида, яхлит қонун орқали тартибга солинмаган.

Шу нуқтаи назардан, алоҳида ягона қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шакллари ҳамда уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларининг мустаҳкамланиши, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган нормаларни тизимлаштириш имконини яратади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизimini янада демократлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

Ушбу фаолият инсон ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини, давлат ва жамият хавфсизлигини жинсий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни топиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

нинг мазмунини, асосий йўналишларини белгилайди; умуминсоний кадриятлардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий кафолатлари тизимини мустаҳкамлайди; жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самардорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолияти янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида тезкор-қидирув фаолиятини

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларда умумэтироф этилган тажрибага тўла мос келади ва тезкор-қидирув характеридаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя этилишининг аниқ ҳуқуқий кафолатларини яратиш имконини беради.

Қонунда тезкор-қидирув фаолияти тушунчасининг таърифи берилмоқда, ушбу фаолиятнинг асосий вазифалари ва тамойиллари белгилаб берилмоқда. Ушбу фаолият инсон ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини, давлат ва жамият хавфсизлигини жинсий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва содир этилиши-



Қ.ЖҲҲҲҲҲҲ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудоффа ва хавфсизлик масалалари ҳўмтаси раиси,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

га алоқадор бўлган шахсларни топиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиниши тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга хизмат қилади. Ушбу қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада либераллаштиришга кенг шароит яратади; суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш чораларининг самардорлигини янада юксалтириш имконини беради. Бу эса пировард натижада жамиятимизда тинч ва осуда ҳаёт, барқарор тараққиёт узвийлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида белгиланганидек, адолатлилик гоёси, барчаннинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш партиядан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу маънода фракция аъзолари ўз таклифларини билдирган ҳолда қонун лойиҳасининг муҳоамасида фаол иштирок этишмоқда.

Солиқ тизими

Мамлакатимизда автомобиль транспортда йўловчилар ташиш тизимини тартибга солиш, фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш давлатимизнинг эътиборида турган вазифалардандир.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу қарорлар асосида пойтахтимизнинг Яққасарой туманида тижорий тартибда автотранспорт хизмати кўрсатувчи

Ноқонуний фаолиятга йўл йўқ



корхоналар сони 50 тани, такси хизмати кўрсатувчи корхоналар сони эса 4 тани ташкил этмоқда. Бу албатта, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишда давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа тегишли идоралар томонидан мунтазам равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо шунга қарамасдан, қонунбузилиш ҳолатлари учраётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Хусусан, туман давлат солиқ инспекцияси, йўл ҳаракати

хавфсизлиги ҳамда йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган рейдлар давомида Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларига зид равишда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётганлар аниқланмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 102 нафар шахс аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан тузилган далолатномалар чоралар қўриш учун судларга юборилди.

Таъкидлаш жоизки, ўз фаолиятини қонуний асосда ташкил этган тадбиркорлар ва автотранспорт эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида.

Адолат МАЗАНОВ,
Яққасарой туман ДСИ бўлим бошлиғи

Яшириб янглишишди

Божхона бекати

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланувчи валюта ислохотлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Айни пайтда республикаимизда жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибларини белгилувчи барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган.

Жорий этилган амалдаги тартибларни кенг жамоатчиликка етказиш ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарама-қарши, нақд хорижий валюталарни яширин равишда республикаимиздан олиб чиқишга бўлган, уринишлар ҳақидаги тўла барҳам тоғгани йўқ.

Яқинда Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона комплекси ходимлари Туркия фуқароси О.Орхоннинг қинғир қилмишига нўқта қўйишди. Қаранг-ки, «мехмон» ўзи бошқарувидаги юк машинаси ўриндиқлари остига 1050 АҚШ долларини яширганча, олиб чиқишни кўзлаган экан.

Андижон вилояти «Дўстлик» божхона комплексидан аниқланган қонунбузарлик ҳолатида эса сариосиёлик М.Хўжаева божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди. Чўнки у суммасига яширилган 4000 АҚШ долларини божхона баённомаси-

да ва оғзаки сўров пайтида сир тутган эди.

Нақд хорижий валюталарни ноқонуний олиб ўтишга уринишлар Тошкент халқаро аэропортида ҳам фош қилинди. Жумладан, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари Туркияга отланган андижонлик Ф.Атаханованинг ички қиймлари орасига 900 АҚШ долларини бекитиб олиб ўтишга уринишини тўхтатиб қолдишди.

«Тошкент — Алмати» йўналишида парвозга шайланган самарқандлик А.Эргашев эса божхона кўриги чоғида суммасида «пайдо» бўлиб қолган салкам 1750 АҚШ долларини кўриб, «ақасини ушлади».

Янгийўллик С.Мирзажонованинг ҳам Истамбулга парвози кечикди. Бўнга эса унинг божхона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилмаган 2400 АҚШ доллари сабабчи бўлди.



Божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уринганлардан яна бири — пойтахтлик Ф.Ибрагимов бўлди. Урумига йўл олган ушбу фуқаронинг суммасига яширганча олиб ўтишни кўзлаган нақд хорижий валютаси — 8150 АҚШ долларини ташкил қилди.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикаимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 590 га яқин қонунбузарлик ҳолатларида қиймаат 2,1 млрд. сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Масъулиятсиз раҳбар

Жиноят ва жазо

Ҳар бир касб эгаси, у хоҳ катта ёки кичик лавозимда бўлсин, юклатилган вазифани сидқидилдан бажариши, ўз касбининг фидойиси, жонкуяри бўлиши лозим. Агар масъул мансабдор шахс бўлса, бу янада юқори масъулият, зийраклик ва изланиш, жамоа назоратини бир дақиқа ҳам унутмасликка риоя этиши лозимдир.

Маъмурий жавобгарлик кодексининг 15-моддасида таъриф берилишича, мансабдор шахс мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, таъхилотда муайян мансабни эгаллаб турган, раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахс. Мансабдор шахслар маъмурий жавобгарлиқнинг махсус субъектлари ҳисобланиб, бошқарув, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа

қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Чўнончи, мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўрилган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 207-моддасига мувофиқ жа-

вобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Дилором Жалиловани ҳам ана шундай, яъни масъул мансаб-

дор шахс бўла туриб, зиммасига юкланган вазифага совуққонлик ва бепасандлик, масъулиятсизлик билан қарайдиганлар тоифасига киритиш мумкин. Гап шундаки, Д.Жа-



ёхуд ўз мансабига совуққонлиги туфайли давлат ва халқ манфаатларига жиддий зарар етказган ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг кирдикорлари

ҳисобланиб, бир қанча қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Масалан, бўлимининг пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлаш гуруҳи раҳбари Дилрабо Қодированинг айби билан фуқаро С.Наимовага 2008 йил 1 майдан тайинланган пенсия миқдори 219 016 сўм ўрнига 126 856 сўм бўлиб, 2009 йил 1 февралда унга 1 076 103 миқдорда зарар етказилган. Худди шундай ҳатолар оқибатида фуқаро Ш.Халимовага 163 416 сўм, С.Кимга 236 284 сўм зарар етказилган.

Бундан ташқари, фуқаро Н.Абдикодировга пенсия тайинлашда компьютер базасига фуқаронинг жинси «эркак» ўрнига «аёл» дея нотўғри киритилиб, натижада 25 йиллик талаб қилинадиган иш стажига 5 йилга камайтириб ёзилган. Оқибатда, ушбу фуқаро ҳам меҳнатига яраша таъминотдан бебаҳра қолган.

Бўлим мутахассислари, нафақат, тўланадиган сумма миқдорини, қолаверса, фуқароларнинг иш стажларини кўрсатишда ҳам катта ҳатоларга йўл қўйилган. Масалан, бўлимга мурожаат қилган А.Қаюмовнинг 21 йиллик иш

стажи ўрнига 39 йил, У.Қомиловага 27 йил ўрнига 42 йил, М.Ҳайитовага 21 йил 9 ой ўрнига 33 йил, 9 ой, дея «қўшиб» ёзилиб, жами 32 ҳолатда 15 550 173 сўм миқдордаги давлат манфаатларига зарар етказилган.

Кўза кунда эмас, қунида сиёнади, деб беҳиж айтилмаган. Масъул мансабдор шахс Дилором Жалилова ва бўлим мутахассисларининг ноқонуний ҳатто-ҳаракатлари ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фош этилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жазо қўлланилди. Худди шундай, юқоридаги ҳатоларга йўл қўйган бошқа ходимларга ҳам айбига яраша жазо тайинланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзига берилган ишонччи оқлашни истаган инсон ҳар дақиқа масъулиятни ҳис қилиши лозим. Ана шунда, у нафақат халқ ва давлат фойдасига хизмат қилган, шу билан бирга, ўз обрўси ва келажagini таъминлаган бўлади.

Исматулла МАМАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси

Ижтимоий ҳимоя

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда улар ўзларини жамиятнинг теппа-тенг аъзоси, деб билиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, ушбу хайрли ишларни амалга оширишда "Адолат" социал-демократик партияси ўз ҳиссасини қўшмоқда. "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгаши иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятларини тўла намоён этишлари учун имконият яратиш ҳамда ватанимиз келажаги бўлган ўғил ва қизларни ҳам маънан ҳам жисмонан баркамол вояга етказиш борасида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Шу азиз юрт учун яшайман



Иззатбек Матякубов ҳам партияга аъзо бўлиш нияти борлигини айтди. Бундан хурсанд бўлган бўлса, имконияти чекланганлигидан юрагимиз ачишиб, унинг тушкунликка тушган қиёфаси кўз олдимизда намоён бўлган эди. Аммо уни йўқлаб оиласига борганимизда, бу фикримизнинг аксини кўриб қувондик, — деди Шовот туман Кенгаши депутати Бекзод Ражабов.

— "Адолат" СДП иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаётганини, оммавий ахборот воситалари орқали ҳар гал кўрганнимда, ёшлар ўзлари ёзган шеърларини ўқиганларида тўғриси ҳавасим келар эди. Мана бугун мен ҳам шу тенгдошларим қатори эътиборга олинганимдан жуда хурсандман, келишларингизни олдиндан эшитиб, ҳали ижодимни мен билмаган қирраларини очилганини пайқадим ва билдимки, мендек инсонларга энг

кераги эътибор экан. Мен мана шу ғўзал диёрда тугилиб ўсганимдан ва меҳридарё инсонлар яшаётган юртнинг фарзанди эканимдан фахрланаман, "Адолат" социал-демократик партиясига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Иззатбек суҳбатимиз давомида.

У билан суҳбатлашар эканмиз, таъсирчан сўзларидан қалбиди меҳр-оқибат, инсонийлик, ватанга муҳаббат туйғулари мавж ураётганини, эл-юртига сидқидилдан хизмат қилишни кўнглига тугиб қўйганилимини кўриб, хурсанд бўлдик. Бундай меҳр муҳаббат кўрсатиш ҳар бир инсоннинг вазифаларидан биридир.

Замира АБДУШАРИФ қизи
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати котиби

Бошланғич партия ташкилотларида

Андижон тумани Куйганёр шаҳарчасидаги қишлоқ врачлик пунктида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бошланғич партия ташкилоти бир неча йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Партиядошларимиз аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари билан бирга партиямиз сайловолди дастурида қўйилган вазифаларни ҳам фуқароларга тушунтириб боришмоқда. Айни кунларда "Мустақкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш улар фаолиятининг асосини ташкил этмоқда.

Эл саломатлиги йўлида

ҚВПлар таянч бўғин

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани сингари тиббиётда ҳам изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Юртбошимиз қарор ва фармонларидан келиб чиқиб қабул қилинган «Саломатлик» дастурлари, метёрий хужжатлар қишлоқ врачлик пунктларининг нафақат қиёфасини, балки аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашда дастуруламал бўлмоқда. Бу ҳар бир қишлоқ врачлик пункти фаолиятида ўз аксини топади.

Бугун ўзига хос қиёфа касб этаётган қишлоқ врачлик пунктлари замонавий жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминландики, уларда аҳоли учун яратилган шароитлар ва тиббий хизмат сифати марказлардаги шифохоналардан қолишмайди. Эндиликда фуқароларимизнинг узок йўл босиб марказ шифохоналарига қатнаб юришларига ҳожаат йўқ. Шунинг баробарида қишлоқ врачлик пунктларида саломатлик посбонларининг ҳам замонавий талаблар даражасида меҳнат қилишлари шарт-шароитлар яратилган.

Тиббиёт ходимларининг фаолияти, кенг жамоатчилик орасига кириб бораётгани натижасида аҳолининг тиббий саводхонлиги, маданияти муттасил ортиб бормоқда. Авваллари аҳоли тиббий қўриққа мажбуран олиб қилинган бўлса, бугунги кунда барчанинг қишлоқ врачлик пунктлари-

га, шу ерда шифо топишига бўлган ишончи ортиди.

Куйганёр шаҳарчасидаги беш ярым миң нафардан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётган қишлоқ врачлик пункти фаолиятида 18 нафар партиямиз аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлиги қувончлиқдир. Бу ерда Муҳаббатхон Зокирова, Дилрабохон Абдулова сингари умумамалиёт шифокорлари, Дурдонахон Қўчқарова, Ферузахон Қосимова каби ўрта тиббиёт ходимларидан иборат БПТ фаолларининг ғайрат-шижоатлари билан жорий йил бошидан буён бир ярым миң нафардан зиёд туғруқ ёшидаги аёллар тўла тиббий қўриқдан ўтказилди.

— Қўйи ташкилотимиз фаоллари партиямиз дастуридан келиб чиқиб, аҳолининг тиббий саводхонлигини юксалтириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишлари билан бир қаторда маҳалалар ва таълим муассасаларида кенг жамоатчилик билан ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳамда учрашувларда Парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, давлат дастурлари, шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий ғояларини тарғиб этишда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда, — дейди БПТ раиси Дилдорахон Алихонова. — Яқинда фаолларимиз Андижон қишлоқ ҳужалиги институти профессор-ўқитувчилари билан биргаликда шаҳарчамиздаги «Бахт» ҳамда

Объектлар номи:

1. «Фарғона шаҳар Саноат кўчаси 14-сонли мактаб ҳудудиди 12х24м ўлчамли қўшимча хоналари билан спортзал қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 370 000 000 сўм ҚҚС билан; 308 333 333 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1

ЛОТ 1.1. «Марғилон шаҳридаги 21-сонли мактабга қўшимча хоналари билан 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 386 765 280 сўм ҚҚС билан; 322 304 400 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 1.2. «Қува тумани Қашқар қишлоғидаги 27-сонли мактабга қўшимча хоналари билан 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 364 230 240 сўм ҚҚС билан; 303 525 200 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-2

ЛОТ 2.1. «Сўх тумани Ғазнов қишлоғидаги 21-сонли мактабга қўшимча хоналари билан 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 370 000 000 сўм ҚҚС билан; 308 333 333 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ 2.2. «Фарғона тумани Қўрғонтепа ҚФЙдаги 53-сонли мактабга қўшимча хоналари билан 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 370 000 000 сўм ҚҚС билан; 308 333 333 сўм ҚҚСсиз.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUCTIONS SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдоларида қуйидаги: Тошкент вилояти, Ангрён шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 20 ноябрдаги 697-сонли буюртманомасига асосан, Ангрён шаҳар, Оҳангарон кўчаси, 1-уйда сақланаётган бошланғич нархи 20 000 000 сўм, 2006 йилда и.ч. д/р 10 D 183 СА бўлган «JAK HFS» 5030-XXYKW русумли;

Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 14 ноябрдаги 17636/8-сонли буюртманомасига асосан, бошланғич нархи 14 916 000 сўм, 2003 йилда и.ч. д/р 10 677 RAA бўлган «Дамас» русумли ва бош.нархи 16 521 000 сўм, 2003 йилда и.ч. д/р 10 678 RAA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2012 йил 25 декабрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион яқунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи вакили иштирокида беvosита жойига чиқиб танишиш мумкин.



AGROBANK

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг кенг фаолият кўрсатишига замин яратиш мамлакатимизда устувор йўналишлардан бирига айланган. Шубҳасиз, ишбилармон-тадбиркорларнинг замонага мос фаолият кўрсатиши, уларнинг турли маҳсулот ишлаб чиқариши ёки савдо фаолиятини йўлга қўйишда молия муассасаларининг кўмаги жуда асосатоди. Бу жараён тижорат банклари зиммасига катта масъулият юклайди. Мамлакатимиз раҳбарининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишларини тўғрисида"ги қароридан сўнг бу масъулият янада ортиб, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайди.

Буни «Агробанк» ОАТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни пайтда бошқарма жамоаси 22 миңдан ортиқ юридик шахс мақомига эга миқозларга хизмат кўрсатаётган бўлса, шундан 5800 дан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

2012 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1492 та субъектга 7 млрд. 269 млн. сўмлик кредит ажратилди. Ушбу молиявий кўмак ҳисобига 3327 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, мазкур кредитларнинг асосий қис-

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари, корхоналари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!

1. «Фарғона шаҳар Қувасой кўчаси Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги 3-сонли мактаб-интернат реконструкция ишлари».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 917 570 280 сўм ҚҚС билан; 764 641 900сўм ҚҚС сиз.

2. «Фарғона шаҳар 8 март кўчаси 34-сонли мактабга (V-тип) спорт мажмуаси қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 602 965 080 сўм ҚҚС билан; 502 470 900 сўм ҚҚСсиз.

3. «Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчасидаги 28-сонли мактаб учун 5-ТИПдаги спорт мажмуаси қурилиши».

Муддати — 20.08.2013 йил
Бошланғич нархи — 595 845 960 сўм ҚҚС билан; 496 538 300 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси,

Манзил: Фарғона шаҳар Темирийўлчилар кўчаси 37, тел. (373) 400-52-80

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджети ва марказий манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётган объектлар бўйича, ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдориди айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаяққатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37 уй, телефон/факс: (373) 95/ 276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37 уй манзилда ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг тақрорий аукцион савдоси 2013 йил 3 январда ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишуви асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р-20208000804941652002, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.

Кичик бизнес ривожига катта эътибор

Реклама

байнида 1200 нафардан ортиқ тадбиркор аёллар банкнинг молиявий кўмаги ёрдамида ўз бизнесларини ташкил этишди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш учун 260 млн. сўм миқдоридида кредитлар ҳисобига қишлоқ жойларда маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, 180 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Бошқарма жамоаси ёшларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, хусусан, қишлоқ жойларида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ҳозиргача касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 15 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйиш мақсадида 378 млн. сўм кредит ажратилди. 100 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар-

га асосан 462 та лойиҳага 2 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Хусусан, банкнинг Шаҳри-сабз филиали мижози "Садаф-С" ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига голландия технологияси асосида пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 30 млн. сўм молиявий кўмак берилди. Натижада ушбу корхона олти хил турдаги сифатли ва арзон пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, 5 та янги иш ўринлари яратилди. Банкнинг Қамаш филиали томонидан "Аббос чорва" хусусий фирмасига паррандачиликни ривожлантириш учун 25 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада 8 киши иш билан таъминланди.

Хуллас, Агробанк томонидан ажратилаётган кредитлар корхоналарнинг барқарор ривожланишига, уларнинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришига, қўллаб иш ўринлари яратишига, демакки мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига олиб келмоқда.

Абдуғани СОДИҚОВ

Нигоҳ

Эрта никоҳ — соғлом авлод келажагига таҳдид

Долзарб мавзу!

Яқинда Олий Мажлис қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. "Мустақкам оила йили" Давлат дастуридаги устувор вазифалар ижросига қаратилган мазкур қонун лойиҳаси ёш авлоднинг барқамол ривожланишини таъминлаш, болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, эрта никоҳлар салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишини назарда тутди. Жумладан, Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисми янги тахрирда баён қилинмоқда. Унга кўра, никоҳ ёшини камайтиришга рухсат берилмаган ҳолатларнинг кенг маънода шарҳланишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг аниқ рўйхати белгиланмоқда. Шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлини янада қучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 473-модда билан, Жиноят кодекси эса 1251-модда билан тўлдирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадларига тўла мос келади, шу сабабли таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партиямиз фракцияси аъзолари, кўп сонли аъзолари, электорати ва хайрихоҳлари томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятда соғлом ва барқамол авлод вояга етишнинг муҳим омилларидан бири никоҳ ёшига тўғри амал қилишдир. Афсуски, кейинги пайтларда юртимизда ҳам қизларни эрта эрга бериш ҳолатлари учраб қолаётти. Биз турли соҳа вакиллари мурожаат этиб, эрта никоҳ ва унинг оқибатлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда бу иллатга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан қизиқдик.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси



— Биз жамият ривожини хотин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур қилолмаймиз. Адолатли жамиятда аёл ҳуқуқи энг олий, энг муқаддас ҳисобланади.

Ўзбекистонимизда аёллар мақомини ошириш, оилалар фаровонлигини мустақкамлаш борасида жуда катта ислохотлар амалга оширилди. Аёл ҳуқуқлари ва оила мустақкамлиги бўйича қонунчилик базаси шакллантирилди. Мамлакатимизда оиланинг гултожи бўлган аёл доим эътиборда. Мухтасар айтганда, аёлга эҳтиром кўрсатиш — миллатга, мамлакатга, эртанги кунимизга, келажақ авлодимизга эҳтиром кўрсатишнинг бош мезонига айланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат, Оила кодекслари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, умуман, 80 дан ортиқ меърий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари, оила манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоқадордир. Мухими, ана шу ҳужжатлар

нинг аксарияти халқаро ҳуқуқий меъриёрга асосланади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини қучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари эълон қилинди.

Шу нуктаи назардан адолатлилик гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби гоёларни илгари сураётган сиёсий куч сифатида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси истиклол йилларида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, оилалар аҳиллиги ва жиспслигини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини қайд этади. Партия, айниқса, хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишнинг қучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдоридир. Шу нуктаи назардан, биз эрта никоҳлар олдини олиш, эртанги кун элларининг соғлиғини муҳофаза қилишга оид қонунчилик базасини мустақкамлашга қаратилган интилишларни қўллаб-қувватлаймиз. Фракциямиз аъзоларининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда бу иллатга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан қизиқдик.

тиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда бу иллатга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан қизиқдик.

Юлдуз САИДОВА,
"Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кенгаши раиси, тиббиёт фанлари номзоли, амалиётчи психолог:



— Жамият тарақиётининг ҳар бир босқичи бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир. Биз барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасидаги ривожланган давлатларнинг эришган тажрибалари ва миллий кадриятларимизга асосланган бўлиши керак. Бизнинг миллий хусусиятларимиздан бири келажақ авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, барқамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилишдир. Шу боис қонун илми билан бўлиш орузи ҳамма даврларда ҳам асосий масала бўлиб келган ва бу масалада ҳам асосий ургу оналарга берилган. Сабаби, бу улуг ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

Бугунги кунда айрим оналар орзу-истакларини тезроқ рўйбга чиқариш мақсадида ёки фарзанд олдидаги масъулиятдан қочиш учун, фарзандларини эрта турмуш қуришга ундашмоқда. Шу ўринда савол туғилади, бу жараён давом этаверса, ўттиз-қирқ йилдан сўнг оила институтининг вазифалари қай тарзда ўзгаради. Таълим ва тарбия оилалардан бошланганини ҳисобга олсак, никоҳнинг нақадар муқаддас эканлиги ойдинлашади.

Минг афсуслар бўлсинки, кўп ҳолларда ким ўзарликка бўлаётган дабдабабоз тўйлар, эрта турмушга узатишлар, оилаларнинг арзимаган сабаблар билан ажралиб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бундай иллатлар жамият маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Унинг олдини олиш учун эса маҳаллаларда аёллар ролини қучайтириш, аёллар ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини оширишга қаратилган амалий ва таъсирчан тадбирларга эътиборни қаратишимиз даркор. Зеро, оилаларнинг бахтли, мустақкам, фаровон бўлишида онанинг, аёлнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди.

Шу боис ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида пойтахтимиздаги мактаб, коллеж, олийгоҳлар ва маҳаллалар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Хусусан, "Мустақкам оила — жамият таянчи", "Оила қурилишининг қонунли ва ҳаётий асослари", "Она ва бола саломатлиги — келажақ гарови"

мавзудаги давра суҳбатлари ва учрашувлар шулар жумласидандир.

Нозима АБДУСАЛОМОВА,
Тошкент шаҳар Учтепа тумани ФХДБ бўлими мудири:




— Оила кодексининг II бўлим 3-бобида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари кўрсатилган. Унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий қучга эга эмас.

Афсуски, маънан ва жисмонан етуқлик даврида оила барпо этишнинг афзалликлари, эрта турмуш қуриш эса аксинча, оила келажагига салбий таъсир этиши хусусида ҳар қанча тушунтирмайлик, шаръий никоҳ асосида турмуш қураётган йигит-қизлар учраб турибди.

Шу боис ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида бўлишимиз томонидан маҳалла, ўрта-маҳсул ўқув юртлири, корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, ФХДБ бўлими қошида тумандаги коллеж ва лицей ўқувчилари, бўлимга ариза берган ёш келин-куёвлар иштирокидаги "Оила — меҳр кўргони" номли ёш оила қурувчилар мактаби шулар жумласидандир. Савол-жавоб, саҳна кўринишлари асосида ўтадиган ушбу мактаб машғулотларининг асосий вазифаси ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, оила қонунчилиги, тиббий кўрик ва унинг аҳамияти, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ёш келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қўмаклашишдан иборат.

Фарида НОРМАТОВА,
1-тоифали акушер-гинеколог:



— Эрта она бўлиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки 15-16 ёш ҳали ўсмирлик даври саналиб, бу вақтда қизлар руҳан ҳамда жисмонан тўлиқ ривожланмаган, шахс сифатида тўла шаклланимаганлиги туфайли организм ҳомилдорлик, туғруқ ва соғлом фарзандни дунёга келтиришга тўлалигича етилмаган бўлади. Натижада эрта фарзанд кўриш ёш она ва ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдиради. Ҳомила тушиш хавфи, ҳомилдорликнинг оғир кечиши, экстрагенитал касалликларнинг авж олиши, туғруқ фаолияти сустлашиши, кесма-кесар йўли билан туғдиришлар, ҳомиланинг нимжон ривожланиши, турли тизим ва аъзолар шаклланишида камчилик ёки нуқсонларнинг учраб туриши, эрта ва нисбатан кам вазнда туғилиш кўпроқ учрайди. Она ва бола ўлими кўрсаткичи ҳам бошқа ёшдагиларга нисбатан эрта турмуш қурган аёлларда кўпроқ.

фи, ҳомилдорликнинг оғир кечиши, экстрагенитал касалликларнинг авж олиши, туғруқ фаолияти сустлашиши, кесма-кесар йўли билан туғдиришлар, ҳомиланинг нимжон ривожланиши, турли тизим ва аъзолар шаклланишида камчилик ёки нуқсонларнинг учраб туриши, эрта ва нисбатан кам вазнда туғилиш кўпроқ учрайди. Она ва бола ўлими кўрсаткичи ҳам бошқа ёшдагиларга нисбатан эрта турмуш қурган аёлларда кўпроқ.

Наргиза ҒАЙИБОВА,
психолог:



— Мамлакатимизда белгилаб қўйилган турмуш қуриш ёши бу айнан шу ёшда турмуш қуриш кироқлигини билдирмайди. Аҳоли турмуш тарзи, маданияти ва дунёқарашини ўзгариши туфайли, ёшларда ҳам никоҳга, никоҳ ёши ва фарзандлар сонига нисбатан қарашлар ўзгармоқда. Кўпчилик бўлажак келин ёки қуёвнинг ўқиган, оқ-қорани ажрата оладиган, оила билан боғлиқ билимлар (фарзанд тарбияси, оилавий муносабатлар, уй-рўзгор юмушлари каби)ни тушунадиган бўлиши зарур, деган фикрга келмоқда. Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилган сўровларда аксарият талабалар юқори курсда ёки ўқиниш тугатгандан сўнггина турмуш қуришни маъқуллашган.

Кузатишлар давомидида 17 ва 18 ёш ўртасида катта фарқ борлиги аниқланди. Хусусан, 17 ёшда болаликка хос қарашлар сақланиб қолганлиги туфайли, оилавий муносабатлар ва жамиятдаги ҳодисаларга нисбатан эмоционал, романтик муносабатда бўлиш, келажақни идеаллаштириш каби ҳолатлар кўп учрайди. 18 ёшда эса ёшларда ҳақиқатан ҳам мустақил шахс эканлигини сезиш ҳисси шаклланади, қарашлар ўзгаради, физиологик, ақлий, руҳий томондан ҳам етилади, маълум маънода ҳаётга тайёр бўлади. Ахир, ҳаётда ўз ўрнини топишга, касб-хунар эгаллашга интилиш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини тузиш табиий равишда келажақга нисбатан жиддий муносабатни билдиради.

Иноят ая АНОРҚУЛОВА,
пенсияер:



— Кўпчилик қайноналар ёш қизларни эғиб олиш осон, айт-

ганларимни сўзсиз бажаради, деб ўйлаб, катта хато қилишга аёлларнинг билишмайди. Бир танишим эндигона 17 ёшга тўладиган келин олаётганини, ёш нихолни ўзига эғиб олиш осон бўлиши ҳақида мактабиди сўзлай кетди. Тўйдан сўнг келин болани эғиб олиш осон эмаслиги маълум бўлди. Янги оила 1,5 ойгина яшади холос. Қайнонанинг гапига қараганда, келин жуда қайсар, эрка, уқувсиз, фаросатсиз, ёш болага ўхшаб, аразлаб қолаверар эмиш.

Яна бир муаммо. Ёш келиннинг фарзанд тарбиясида тиббий, педагогик ва психологик билимларининг йўқлиги соғлиғи заифлашган ёш онани бошқалар кўз ўнгига уқувсиз, тажрибасиз қилиб кўрсатади. Энди болани тарбиялаш соҳасида эр-хотин, қайнона ва бошқа оила аъзолари ўртасида яна келишмовчиликлар давом этади. Ҳомилдорлик даври қийин кечиб, соғлом фарзанд туғиб беролмаган ёш келинни ҳайдаб юбораётган қайноналар ҳақида ҳам эшитиб қоламиз.

Раҳима ТўРАҚУЛОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази илмий ходими:



— Эрта оналикнинг асосий камчиликлари ўзаро, оилавий муносабатларда намоён бўлади. Масалан, бола туғилиши билан оилавий кризислар ҳам пайдо бўлади. Охир-оқибат, янги келин-куёв бир-бирига мослашмасдан туриб, муносабатлари дараз кета бошлайди. Бундан ташқари, эр-хотиннинг бола парвариши, оилавий муаммоларни ҳал қилишдаги тажрибасизлиги туфайли айнан шундай оилалар кўпинча барбод бўлиб кетмоқда. Бундай оилаларда тарбияланаётган болалар ўртасида касалланиш ва ўлим ҳолатлари юқори даражада қайд қилинади.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази ва унинг худудий бўлиmlари томонидан ёш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари, ибратли оила соҳиблари билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор эрта турмушнинг олдини олиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, она ва бола саломатлигига қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар бир инсонга, айниқса, янги ҳаёт ости-насида турган йигит-қизларга тўри маслаҳат бериш ва яқин сирдош бўлишда китобдек яқин дўст бўлмайди. Шу мақсадда, янги ёшларга мустақкам оила сиёсатини ўргатиш учун "Оила мустақкамлиги — жамият гарови" номли рисола, шу мавзуда ўтказилган конференциялар материаллари асосида эса алоҳида тўплам нашр қилинди. Шунингдек, лицей ва коллеж ўқувчилари учун "Шарқона оила" номли ўқув қўлланма ва хрестоматияси

ҳамда ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, ўзаро муносабатларини мустақкамлашга доир ҳамда саломатлик ва балоғат даври ўзгаришлари тўғрисидаги «Ораста қиз ён дафтарчаси», «Гулу лолам», «Оилада ота-она ва фарзандларнинг бурч ва масъулияти», «Болалар тарбияси бузилиши ва унинг олдини олиш», «Психологларнинг оналарга масъулияти», «Ота-она бўлиш масъулияти» ва «Қиз боланинг қирқ хунари бўлса...» каби рисола ва қўлланмалар нашрдан чиқди. Бундан ташқари "Оилангизда гўдак туғилди", "Оилада маънавий муҳит — оила мустақкамлигининг омили" номли рисолалар дунё юзини кўриш арафасида.

Шоира АЛИМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар Собиробод маҳалла маслаҳатчиси:



— Азалдан сақланиб келаётган яхши удуимиз бор — ёлғил уйлантираётган ёки қиз узатаётган оила бир қарорга келишдан олдин ёши улуг ота-хону онахонлар, оқсоқоллар билан маслаҳатлашади. Бизнинг маҳалламизда ҳам ана шу анъана бор.

Тўғри, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, баъзи сабабларни рўқач қилиб қизини барвақт узатаётган ёки ёшгина келин олишга уринаётганлар ҳам топилади. Уларнинг шошқалоқликларига дарҳол барҳам берамиз. Бу борада бизга ҳар бир кўп қаватли ўйда тайинлаб қўйилган фаол аёлларнинг ёрдамлари катта. Улар бизнинг оилалар билан яқинроқ танишимизда, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида бартараф этишимизда, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларимизнинг ҳолидан хабар олишимизда ўзларининг беёминат ёрдамларини аямаядилар. Масалан, яқинда мактабни битирган қизини узатмоқчи бўлган бир оила ҳақида эшитиб қолдик. Тушунтиришларимиздан сўнг улар фикрдан қайтди, навиҳол қиз эса ҳозирда коллежда ўқияпти.

Оила — муқаддас даргоҳ. Зеро, жамиятнинг неғизи ҳисобланмиш мазкур даргоҳда эртанги кунимиз эгалари бўлиши авлод тарбияланади. Жорий йилнинг "Мустақкам оила йили" деб аталишида ҳам мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, азалдан қадрлини келган анъана ва урф-одатлар, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом фарзандни вояга етказишдек хайрли мақсадлар муҳассам.

Жамиятимиздаги оилаларнинг эртанги қафолати, фарзандлар саломатлиги бўлажак келин-куёвларимизнинг ҳар тарафлама етуқлигига, жумладан, никоҳ ёшига амал қилишларига ҳам боғлиқ. Зеро, оила мустақкам экан, авлод ҳам саломатдир.

Нурхон ЭЛИМРЗАЕВА

Кучлилар сараланди

Давоми. Боши 1-бетда

— «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини юксалтириш йўлида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП

Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Юлдуз Саидова. — Партия ташкилотларида фаол ишлайдиган, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган аёлларни рағбатлантириш, ўз навбатида, бундай аёлларнинг тажрибасини кенг тадбиқ қилиш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ҳам моҳиятан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

...Чорлов мусиқалари янграб, саҳнага кўрик-танловнинг туман босқичида голибликни қўлга киритган иштирокчилар чиқиб келдилар. Номзодлар белгиланган шартлар бўйича иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, ҳакамлар ҳайлати томонидан муносиб баҳолаб бориладилар. Номзодларнинг ҳар бир шартга масъулият билан ёндашгани, саҳна кўриниш-

лари ва роликлар билан чиқарилиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилган танловга янада кўтаринкилик бағишлади. — Ушбу кўрик-танловда иштирок этаётган ҳар бир хотин-қизнинг юзидида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — дейди иштирокчилардан бири, Тошкент шаҳар

ўсмирлар диспансери ҳамшираси Махбуба Тошпўлатова. — Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустақкам ва фаровонлигидан далолатдир. Мен кўрик-танловнинг Юнусобод туман босқичида голибликни қўлга киритиб, танловнинг шаҳар босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этганидан жуда хурсандман.

Умуман олганда, кўрик-танловнинг ушбу босқичи ҳам янада фаол, ташаббускор, ҳар томонлама ибратга лойиқ номзодларни саралаш имконини берди. Танловда голибликни қўлга киритган Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори, санъатшунослик фанлари доктори Дилфуза Раҳматуллаева эндиликда кўрик-танловнинг

республика босқичида иштирок этади.

Тадбирда барча иштирокчиларга Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

"Яшил" инновация:

бугунга кўчаётган келажак

Кейинги ярим аср мобайнида сайёраимизда экологик хавф-хатарлар миқдори ортиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётир. Иқтисодий тараққиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишнинг меъёридан ортиб кетиши муаммонинг асосий сабаби сифатида эътироф этилмоқда. Ёқилғининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателаридан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит ифлосланмоқда. Атмосферага зарарли моддалар чиқиндисининг жуда катта миқдорда чиқариб юборилиши натижасида озон қатламига аста-секин путур ета бошлаган, ерда эса глобал энергия танқислиги вужудга келмоқда. Натижада дунё иқлимининг ўзгариши, энергия қуввати манбаларининг камайиши бутунжаҳон озиқ-овқат танқислиги муаммоси билан чамбарчас боғланмоқда.

Бундан ташқари, энергияга дунё аҳолиси сони ошиб бориши билан бўлган талаб замонавий энерготизимлар таъминлаб бера олмайдиган даражага бориб етади. Шу боис БМТ бош котиби Пан Ги Мун бошчилигида тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ 2012 йилни "Барча учун халқаро барқарор энергетика йили" деб эълон қилиб, янги глобал ташаббусни илгари сурди. Ташаббус 2030 йилга бориб урта асосий мақсадга эришишга мўлжалланган: замонавий энергетик хизматлардан оммавий фойдаланишни таъминлаш; дунё энергоистеъмолини 40 фоизга пасайтириш; дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга ошириш.

Бугун сайёраимизда қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларининг бир неча турлари тажрибадан ўтказилляпти. Электр қуввати олишда геотермал электрстанциялардан Марказий Америка давлатлари, Филиппин ва Исландияда кўпроқ фойдаланилмоқда. Оқар сувдан фойдаланадиган электрстанцияларга Франция, Буюк Британия, Канада, Россия, Хиндистон, Хитой каби санокли мамлакатларгина эга. Қуёш электрстанциялари жаҳоннинг ўлтиздан ортиқ давлатида ишлатилмоқда.

Сўнгги вақтларда кўплаб мамлакатлар шамол энергияси қурилмаларидан фойдаланишни кенгайтиряпти. Уларнинг аксарияти Фарбий Европа (Дания, ГФР, Буюк Британия, Голландияда, АҚШ, Хиндистон ва Хитойда жойлашган. Дания энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш, табиати муҳофазаси қилиш доирасида асрлар мобайнида тўпланган биллимлар ва ўз анъанавий тажрибаси билан бутун дунёга машхур. Бу мамлакатда энергиянинг 25 фоизи шамолдан олинади, барча чиқиндиларнинг 90 фоизи қайта ишлатилади ёки энергияга айлантирилади. Дания ривожланиш ва "яшил" инвестиция доирасида дунё етакчилари тан олган мамлакатлардан биридир. Бразилияда эса ёнилғи сифатида этил спиртидан кўп фойдаланилади.

Қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболи унинг экологик тозаллиги, эксплуатация қийматининг арзонлиги билан боғлиқ. Европа комиссияси ҳисоб-китоблари қараганда, 2020 йилга бориб муқобил энергия саноатида қўшимча 2,8 миллионга иш ўрни яратилади. БМТ маълумотларида айтилишича, биргина 2008 йилда бутун дунё бўйлаб кўмир ва нефть ишлаб чиқариш соҳасига 110 миллиард доллар миқдорда сармоя киритилган бўлса, муқобил энергетика билан боғлиқ лойиҳаларга 140 миллиард долларлик инвестиция жалб этилган. Ушбу сумманинг 51,8 миллиарди шамол энергетикасига, 33,5 миллиарди қуёш энергетикасига, 16,9 миллиарди биоёқилга сарфланган. Европа давлатлари 2008 йилда муқобил энергетикага 50 млрд., Америка — 30 млрд., Хитой — 15,6 млрд., Хиндистон — 4,1 млрд. долларлик сармоя сарфлаган.

Маълумки, ҳозирда ёқилғи энергетикаси ресурсларининг асосий манбаи бу — нефть, табиий газ ва кўмир ҳисоблана-

ди. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва саноатнинг ривожланиши инobatта олингани ҳолда Ер юзидagi нефть 40-45 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир эса 165-170 йилга етиши мумкин. Муқобил энергетика дунёда инновацион ривожланишнинг муқаррар омилига айланиб бормоқда. Айниқса, жаҳон углеводород хомашёси захира-ларининг туғаб бориши шарoитида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш-ни кенгайтириш янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Дунёнинг 65 дан ортиқ мамлакатлари ўз олдига қуёш, шамол, сув энергиясидан фойдаланиш орқали муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан, шунингдек, водо-род, биогаз ва бошқалардан кенгрок фойдаланишга қаратилган мақсадларни қўйишган.

Ҳозирги вақтда дунёда энергия ишлаб чиқаришнинг 0,04 фоиздан камроқ қисми қуёш энергетикасига тўғри келмоқда. Ҳолбуки, агар ерда-да қўйларнинг бор-йўғи 4 фо-изи қуёш панеллари билан қоп-ланса, ҳосил бўладиган энер-гия бутун инсониятнинг эҳтиё-жини қондиришга етади. Бу-гунги куннинг ўзида қуёш кол-лекторлари билан қопланган майдон АҚШда 15 млн. м², Японияда 12 млн. м²га етди. Исроилдаги 1 миллионга яқин қуёш энергияси ускуналари мамлакатни иссиқ сув билан таъминлаш ҳажмининг 75 фо-изини қопламoқда. Шамол энергиясидан фойдаланиш ҳам юқори суръатлар билан ривожланиб бормoқда, Евро-па мамлакатларида улардан фойдаланиш даражасининг ўсиши йилига 40-45 фоизни ташкил этмоқда. Қайта тикла-нувчи энергия манбалари ус-куналаридан фойдаланиш таж-рибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларни харид қилиш ва даст-лабки фойдаланиш даврида харажатларнинг юқорилигига қарамасдан, ўзини оқлайди. Масалан, Германияда 2050 йилга бориб мамлакат умумий энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манба-лари улушини 50 фоизга етказиш кутилмоқда.

Табиийки, Ўзбекистонда ҳам мазкур муқобил энергия манбаларини жорий қилиш йўналишини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилган. Бунда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш республика иқтисодиётининг инновацион рельсга, қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланишга асослан-ган экологик тоза технология-ларга ўтиш йўлидаги муҳим устуворликларидан биридир. Ушбу йўналишнинг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислам Каримов томо-нидан Вазирам Маҳкамаси-нинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижти-моий-иқтисодий ривожланти-ришнинг устувор йўналишлар-ига бағишланган йиғилиши-да қайд этилди: "Биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захира-лар бўлмиш нефть, газ кон-денсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурслар-идан оқилона ва тежамкор-лик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ, бу ресурсларнинг катта қисми-дан кўпроқ ёқилғи сифатида фой-

даланяпмиз, холос. Муқобил ресурсларни излаш ва жорий этиш ишлари талаб даража-сида эмаслигига алоҳида эътибор қаратилиб, умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўп-лаб муаммолар тўпланиб қолгани-ни афсус билан қайд этиш ке-рак".

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия ман-балари бўйича катта салоҳи-ятга эга, экспертларнинг ба-ҳолашига кўра, улар қайта тик-ланмайдиган органик ёнилғи ресурсларидан бир неча ба-рoбар ортиқ. Республикада бир йилда қўйлиш кунлар 300 кундан ортиқ, шамол эсувчи ҳудудлар, шунингдек, электро-энергия ҳосил қилишда фой-даланиш мумкин бўлган тоғ дарёлари мавжуд. Ўзбекистон қуёшли кунлар сони бўйича қуёш энергетикаси ўта ривож-ланган Исландиядан ҳам олдин-да. Ўзбекистон шароитида қуёш ресурслари, кичик гидро-энергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия муҳим саналади. Бун-дан ташқари, қайта тикланув-чи энергетика олисда, тоғли ва бориш қийин бўлган туман-ларда жойлашган аҳоли пункт-лари учун иқтисодий асослан-ган энергия манбаи бўлиши мумкин.

Экспертларнинг баҳолаши-га кўра, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланиш имкони-ятлари 51 млрд. тонна нефть эк-вивалентига тенг. Бугунги кун-да мавжуд технологиялар 180 млн. тонна нефть эквивален-тига тенг энергия олиш имко-нияти беради, бу эса, рес-публикада қазиб олинаётган ёнилғи ҳажмидан 3 барoбар кўп, шунингдек, атмосферага 447 млн. тонна карбонат ан-гидриди, турли сульфатли би-риқмалар, азот оксиди ва бош-қа ифлослантирувчи моддалар-нинг ташлианишининг олди оли-нади.

Мамлакат умумий энергетик балансида қайта тикланувчи энергия манбаларини жалб қилиш энергетик хавфсизлик-ни узoқ муддатга сақлаб қолишга, энергия таъминоти-ни яхшилашга, мамлакатнинг барқарор ривожланишига хиз-мат қилади. Шу билан бирга, бизнингча муқобил ва қайта тикланувчи энергия манба-ларини жорий этиш бўйича нор-матив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва тақомил-лаштириш, муқобил энергия манбаларини, шунингдек, те-жамкор, экологик тоза техно-логия ва энергия ресурслари-ни жорий этиш бўйича инфра-тузилмалар, рағбат, имтиёз ва преференциялар яратиш им-кониятлари мавжуд.

Маълумки, XX асрнинг сўн-ғи йилларида яримўтказгичли асбоблар ва ахборот техноло-гиялари бутун жаҳонда сармоя киритиш учун энг истиқболли соҳалар ҳисобланарди. Айни пайтда эса қуёш энергиясидан электр энергияси олиш қурил-малари ишлаб чиқариш бу бо-рада биринчи бўлиб турибди.

Сўнгги йилларда қуёш эле-ментлари ишлаб чиқаришга ва электр энергияси олишга сар-моя киритувчи компаниялар сони ортиб бормoқда. Маълу-мотларга кўра, бир неча йил

муқаддам жаҳон бўйича қуёш панеллари ёрдамида олинаёт-ган умумий энергия миқдори 4 ГВт деб баҳоланган бўлса, ҳозирда унинг миқдори 15 ГВтни ташкил этмоқда. Мута-хассисларнинг таъкидлашича, серқуёш ўлкаларда 2030 йил-гача муқобил энергия манба-лари сифатида қуёш фотоэнер-гетикасидан кенг фойдаланиш имкони-яти яратилади.

Мисол учун, Бирлашган Араб Амирликлари ноанъана-вий энергетика соҳасидаги энг яхши инновация ишланмала-ри учун ҳар йили 2,2 миллион доллар қийматидаги грантлар ажратишга қарор қилган. АҚШ ва Европанинг 40 дан зиёд етакчи компанияларидан иборат иттифоқ эса яқин икки йил ичида 10 миллиард доллар миқдоридagi маблагни эколо-гик тоза технологиялар соҳа-сига сармоя тарзида кирити-шини билдирган.

Бугунги кунда қуёш нурла-рининг иссиқлик таъсиридан фойдаланиш соҳаси ҳам тобора оммалашиб бормoқда. Ху-сусан, "қуёшли уй"лар қуриш лойиҳаларига катта миқдорда сармоя киритилмоқда. Қуёш-дан иссиқлик ва ёруғлик олиш ҳисобига бундай уйлarda бош-қа турдаги энергия манба-ларининг 50-90 фоиз тежалиши-га эришилмоқда. Бундай уй-ларни қуриш нафақат Миср, Исроил, Туркия, Япония, Хи-ндистон, АҚШ каби иқлими нис-батан иссиқ ўлкаларда, балки Франция, Англия, Германия каби ўрта иқлимли давлатлар-да ва ҳаттоки, Швеция, Фин-ляндия, Канада, АҚШнинг Аляска штати каби шимолий ҳудудларда ҳам расм бўлмоқ-да.

Айтиш жоизки, серқуёш ўлкаимизда ҳам "қуёшли уй"лар қуриш, уларни қуёш нури билан иситиш, иссиқ сув ва фото-электрик энергия билан таъ-минлаш имкони-яти юқори. Юртимизда экологик тоза энергия манбаларидан фойда-ланишга қаратилган иннова-ция лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши, уларга маҳаллий ва хорижий сармоявий манба-ларнинг кенг жалб этилиши мазкур соҳа истиқболли таъ-минлашга муносиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, 2009 йилда Ўзбекистон томонидан қайта тикланувчи энергия ман-балари бўйича халқаро агент-лики (IRENA) низоимининг имзо-ланиши бу йўналишдаги иш-ларни ривожлантиришда му-ҳим қадам бўлди. Халқаро агентлиқнинг асосий вазифа-си саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар-га қайта тикланувчи энергия соҳасида маслаҳатлар бериш, уларга энергиянинг мазкур манбаларини жорий этишда кўмаклашишдан иборат. IRENA аъзоларига қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қув-ватлаш борасидаги умумий келишувларга эришиш ва та-қомиллаштириш, бу соҳадаги билан ва технологияларни та-рқатишда ёрдам кўрсатиш агентлик фаолиятидаги усту-вор йўналишлардан ҳисобла-нади.

Шунингдек, мамлакатимиз-да муқобил энергия манба-ларидан фойдаланишнинг истиқ-

болли режалари ишлаб чиқил-моқда. Бу борада давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институт-лари, хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси амалий ташаббус билан чиқмоқда. Партиямиз ўз дастуридан келиб чиқиб, гло-бал энергетик хавфсизлик, энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, қайта тикланув-чи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши таҳлили, энергетикада таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъ-минлаш, бу жараёнда иннова-цион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган, энергияни тежаш, қайта тик-ланувчи энергия манбалари-дан фойдаланиш, рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш, ёшларда инновацион маданиятни шакллантириш ва иқтидорли ёшларнинг бу йўна-лишдаги изланишларини қўл-лаб-қувватлаш борасида қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Бу борадаги эзгу саяё-харакатларга эса давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июл-да қабул қилинган "Инноваци-он лойиҳалар ва технология-ларни ишлаб чиқаришга тат-биқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётир. Истеъмолчиларнинг энергияга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш, бу жараёнда атроф-муҳитга еткази-лаётган салбий таъсирлар-ни камайтириш вазифаси энергетика ва ишлаб чиқариш-нинг бошқа соҳаларидаги иш-ларни янада тақомиллашти-ришни, қайта тикланувчан, но-анъанавий энергия манба-ларидан фойдаланишни тақозо этаётир.

Шу боис мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конститу-циясининг 18 йиллигига ба-ғишланган нутқида "Алоҳида катта эътиборни талаб этади-ган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда ки-чик бизнес ва хусусий тадбир-корлик асосан савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-ни қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда. Лекин шу би-лан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чи-қариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нано-технологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотех-нология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳа-сида, мухтасар айтганда, ил-ғор илм-фан ютуқларига асос-ланган кичик бизнес ва ху-су-сий тадбиркорлиқнинг ривожлан-тиришга кенг йўл очиб бери-шимиз зарур", деган сўзлари бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш кераклигини кўрсатди.

Франция жанговар миссияни якунлади

Афғонистондаги жанговар миссиясини якунлаган Франция ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқмоқда. Президент Франсуа Олланднинг амалиётни эрта тугатиш режасига муво-фик, 500 нафар ҳар-бий куни-кеча Каписа вилоятини тарк этган.



1500 нафар француз зобити мамлакатда қолиб, маҳаллий қўшинлар малакасини оширишга ёрдам беради. Афғонистонда НАТО бошлиқ коалиция сафида Франция зобитлари сони бўйича Америка, Британия, Германия ва Италиядан кейин бешинчи ўринда туради. Таъкидлаш кераки, 2001 йил аксилтерровр амалиётлари бошланганидан бери бу давлат 88 нафар ҳарбийси-дан айрилган.

Айниқса, 2011-2012-йилларда талафотлар ошиб, январда аф-гон зобити беш нафар француз аскарини отиб ўлдиргач, рас-мий Париж миссияни муддатидан олдин тугатишга қарор қил-ган эди. НАТОнинг 100 минг кишилиқ қўшини Афғонистонни икки йилдан кейин, 2014-йил охиригача тарк этади.

Янги бош вазир номзоди аниқ

Литва президенти Даля Грибаускайте яқинда бўлиб ўтган парламент сайлови асосида ташкил этилган ҳукумат раҳбари номзодини расман эълон қилди. Кутилганидек, сайовда ғалаба қозongan социал-демократик партия вакили Аль-гирдас Буткявичюс бош вазирликка номзоди тақдим этилди.




54 ёшли Буткявичюс маълумо-ти бўйича иқтисодчи. 2000- йил-лар ўрталарида Альгирдас Бра-заускас бошчилигидаги социал-демократларнинг ўша пайтдаги ҳукуматида молия вазири бўлиб ишлаган. 2005 йилда эса коали-циядаги ҳамкорлар билан солиқ ислохотлари борасида юзага келган ихтилоф туфайли истеъ-фога кетишга мажбур бўлган. Кейинроқ ҳукумат таркибига қай-тиб бир неча йил транспорт ва-зири сифатида фаолият кўрсат-ган. Яқин кунларда янги ҳукумат таркибини янги қақирдаги пар-ламент тасдиқлаб бериши керак.

Инсофли ҳайдовчи

Сингапурда такси ҳайдовчиси йўловчиларга — таиландлик эр-хотинга машинада қолдирил-ган пулларини қайтарган. Ёддан чиқарилган ҳалтада бир миллион (тахминан 900 минг АҚШ доллари) Сингапур долларидан ортиқ нақд пул бўлган, деб хабар беради Франс пресс агент-лиги.

Такси ҳайдовчиси-нинг айтишича, у пул тўла халтани йўловчи-ларни савдо маркази-да қолдирганидан сўнг топган. Шу заҳо-тиёқ ўзи ишлаётган транспорт компания-си офисига бориб, воқеадан раҳбариятни хабардор этган. Орадан кўп ўтмай тарву-зи қўлтигидан тушган сайёҳлар транспорт компаниясига мурожаат этишади. Орадан бир неча соат ўтиб улар компания офисида тақсичидан пулни қабул қилиб олиш-ган. Албатта, ҳайдовчини суюнчи пулисиз қолдиришгани йўқ. Агентлиқнинг маълум қилишича, бир миллион Сингапур дол-лари маҳаллий тақсида эсдан чиқиб қолдирилган энг йирик суммадир. 2009 йилда ҳам Сингапурда шундай ҳодиса рўй берган. Ушанда ҳам тақсичи беш килограмм олтинни ҳардам-хаёл йўловчига қайтариб берганди.



Рада биометрик паспортлар масаласини маъқуллади

Украина парламенти «Яго-на довлт демографо рўйха-ти тўғрисида»ги қонун лойи-ҳосининг янги тахририни маъқуллади. Мазкур ҳужжат биометрик паспортлар жорий этишни кўзда тутди.



Депутатлар мамлакат президенти Виктор Яну-кович қиритган асосан техник характердаги ту-затишларни ҳисобга олиб қонун лойиҳасини тасдиқладилар. «Ком-мерсантъ-Украина»нинг ёзишича, биометрик ички паспорт ID-карта кўринишида тайёрлана-ди. У ҳам катта ёшдаги кишилар, ҳам болалар учун ягона ҳужжат бўла-ди. Биометрик ҳужжат-лар фуқароларга 2013 йилнинг 1 январидан босқичма-босқич бери-ла бошланади.

«Адолат»нинг аёлларга эътиборидан мамнунман

Таҳририят меҳмони

Бугунги меҳмонимиз санъат оламида ўз ўрнига эга, муҳлислар қалбидан жой олган, олқишларига сазовор бўлиб келаётган, бир сўз билан айтганда, «Шашмақом» маликаси Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевадир.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган, оддийлик ва самимийликни ўзида жам этган Муножот Йўлчиева дунёни лол қолдирган улғу санъаткоримиз. Муножот опа бугунги кунда кўплаб шогирдларига ўстоз сифатида таълим-тарбия бериб келмоқда.



— Дастлаб ўқишга ҳужжатларингизни топшираётганингизда опера йўналишини танлаган экансиз, бироқ сизни қабул қилишмаган экан. Мумтоз кўшиқчилик йўналишига ўтишингизга нима сабаб бўлган?

— Қишлоқдан шахарга қалбим тўла орзу-умидлар билан келганман. Устозим Шавкат Мирзаевни тақдирининг менга ато этган нъммати деб биларман. Консерваторияда чинданам опера факультетига топширганман, лекин мени эшитиб кўришгач, овози тўғри келмайдиган деб мақом йўналишига ўтказишган. Бу ерда устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича менга таълим бердилар.

— Сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз? Ашулага асос бўладиган сўзларни қандай танлайсиз?

— Ашуларим сўзларини асосан, устозим Шавкат Мирзаев таллаб берадилар. Устозим билан ишлаётганимизга 34 йил бўляпти. 1978 йилда пойтахтга келган бўлсам, 2 йил тайёров бўлишда, 5 йил асосий кўрсаткичда, устозим маслаҳатларига қўлоқ солиб кам бўлганим йўқ. У киши овозимга мос келадиган сўзларни топиб, куй таллаб, менга эшиттирадilar. Шу пайтгача менга ҳеч қачон савиясиз ашуларларни танламаганлар, шунинг учун ҳам мен уларга қаттиқ ишонман ва ҳар доим уларга суяниб келарман. Тўғри, устозим ниятда талабчан ва қаттиққўл, юзаси муносабатни ёқтирмайдиган, мумтоз санъатимизни дилдан қадрлаб, юрак қўрини бериб ижод қиладиган хонандаларни ҳур-

мат қилувчи, аниқликни севадиган инсонлардан бири. Мен ишонч билан айтманки, шундай устози бўлган одам ҳеч қачон адашмайди.

— Оҳангу мати бамисли жону тан дейилади. Бугунги санъатга кириб келаётган ёшлар орасида оҳанг, мати, ҳаттоки нотани ҳам билмайдиганлар учраб туради.

— Биласизми, бугунги кунда ёшларимизга давлатимиз томонидан кўплаб шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда, булардан тўғри ва оқилона фойдаланиш уларнинг қўлида. Инсонни, албатта, унинг устози тўғри йўлга бошлайди. Устози бўлмаган санъаткор қанча тез кўзга ташланса шунча тез сўнади. У аслида атрофдаги инсонларни эмас, ўзини ўзи алдаётган бўлади. Яхши ёшларимиз, овози яхши, шеърни, мусиқани тўғри таллаб ижро этадиганлари бор, уларни эшитиб хурсанд бўламиз, аммо ўйлайманки санъатни иқтисодга айлантираётган ёшларимиз ўзлари ҳақида бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди. Санъат, куй, кўшиқ бу пул дегани эмас. Бу шундай муқаддас туйғуки, буни таърифлашга тил ожиз.

— Мумтоз йўналиши деганда, энг аввало, кўз ўнгимизга Муножот Йўлчиева келади. Ўзингизга ўзингиз таъриф бера olasизми?

— Аввало, ўзимни ўзим мақтай олмайман, менинг ҳам ўзимга яраша камчилигим бордир, балки ўшани мен билмасман, лекин атрофдан қараганлар уни кўра олишар, кимдир менга маслаҳат ҳам бераар. Умуман олганда мен танқидни тўғри қабул қиламан ва ҳаётимда, ижодимда,

юриш-туришимда шу нуқсонларни йўқотишга ҳаракат қиламан.

— Шу кунга қадар дунёнинг кўплаб саҳналарида куйлагансиз, айтинг-чи, дунё классик мусиқаси билан ўзбек мумтоз куйлари ўртасида ўхшашликлар борми?

— Хар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, тили, дини бор. Дунё классик мусиқаси билан ўзбек мумтоз куйлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Бизнеснинг менталитетимиз ўзига хослигимиз ҳатто мусиқамизда, кўшиқларимизда ҳам сезилиб туради. Бемалол айтишим мумкинки, кўплаб Европа мамлакатларида Ватанга бўлган муҳаббат, инсонийлик, оилавий қадриятлар, ота-онага ва фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббат, биздагидек эмас. Бугунги кунда бизда маҳаллаларимиз ўрни жуда катта бўлмоқда, бошқа давлатларда эса маҳалла деган тушунча умуман йўқ. Чет эл сафарларига борсам, кўпчилик мендан қадриятларимиз ҳусусида сўрайди, мен улар ҳақида гурур билан гапираман.

Дунё халқлари бизнинг мумтоз санъатимизни тинглаб ҳайратга тушибоқмоқда. Голландияда «RASA» деган театр бор, ўша ерга мени кўп маротаба таклиф қилишган. Ўтган йили ҳам шу ерда концерт бердим. Мана шу ерда фестиваль директори шундай деганди: «Сиз ижро этган ашуларни оддий томошабин сифатида кўп бора тингладим, қузатдим. Шундан сўнг фестивалга таклиф қилдим. Европада опера санъати, классик мусиқаси қай даражада ёмғир ёғиб ўтган. Санъат тури сифатида кадрланса, «Шашмақом»ни шулар

билан тенг қўяман», менимча, мумтоз ашуларимиз учун бундан юқори баҳо бўлмаса керак.

— Бугунги кўшиқчиликка муносабатингиз. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Ижод бу бир умр тинмай изланишда бўлишдир. Агар изланиш йўқолса ижод тўхтайдиган бўлади. Ижодкор ҳаммага хар тарафлама ўрнак бўлиш лозим. Санъаткор юриш-туришида, саҳна маданияти, муомала ва кийиниш маданиятига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

— Мана шу фикрларингизни эшитиб, менда бир савол туғилди, негадир бугунги кунда сиз, билан рақобатлаша оладиган санъаткорлар камроқ, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Анъанавий ижрочиликда ижод қилиб келаётган хофиз ва хофизаларимиз кам бўлса ҳам бор. Уларни муҳлислар жуда яхши билишади, лекин негадир улар жонли ижрода концерт беришмаяпти, бу хар бир санъаткорнинг ўзига боғлиқ. Юқорида айтганингиздек, ижодкорлар жуда кўп, аммо мумтоз йўналишидаги ижодкорни топиш анча мушкул. Мен хар йили концерт берарман, яна мақом йўналишида концерт бераётган қайси ижодкорни, кўшиқчини кўрасиз? Бу жуда ачинарли ҳол, албатта. Концерт берадиган бўлса ҳам ўша битта санъаткор атрофида 7-8 та кўшиқчи бўлади. Бу ижод эмас. Бу жамоа йиғилиб кўшиқ қуйлайдиган концерт дастури.

— Сиз санъатга кириб келганингизга 34 йилдан ошди, шу йиллар ичида нимага эришдингиз-у, нимага эриша олмадингиз, Муножот Йўлчиеванинг қалбига армонлари борми?

— Армоним бор десам, ношукрлик бўлади. Лекин қалбига армони йўқ инсон бўлмаса керак. Худога шукр, менга ато этилган овоз, қобилиятим орқасидан кўплаб ютуқларга эришдим. Юртбошимизнинг эътибори туфайли, кўплаб мукофот унвонларга, сазовор бўлдим.

— Фонограмма ҳақида фикрингиз қандай?

— Фонограммага қаршиман. Фонограмма катта байрамларда қўл келади. Бошқа давлатларда ҳам шундай қилинади. Лекин битта хонанда 10-15 кунлаб концерт берса-ю барча кўшиқларни фонограммага ижро этса, буни мен санъаткор деб ҳисобламайман.

— Сийсий партияларга муносабатингиз қандай?

— Бугунги кунда партияларимиз нимага қодирликларини амалда кўрсатишяпти. Мен «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятини қузатиб борарман. Партиянинг хотин-қизларимизга бераётган эътиборидан, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги фаолиятидан мамнун бўлдим.

— Муҳлисларга тилақларингиз.

1 декабрь куни ўтказиладиган яккахон концерт дастурига барча муҳлисларимизни таклиф қилиб қоламиз. Хар доим соғ-омон бўлишсин. Биз санъаткорлар доимо муҳлислар хизматидамыз. Биз халқ учун, юртимиз учун, мамлакатимиз довуғини бутун дунёга танитиш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.

Дилором ЖУМАНИЕЗОВА суҳбатлашди

Спорт

Асрий қадриятларимизни ўзида жо қилган миллий спорт турларимиздан саналган белбоғли кураш бугун ёшларимиз орасида энг оммалашган спорт турларидан саналади. Уч босқичли спорт ўйинлари дастуридан мустаҳкам ўрин олган мазкур спорт тури билан шуғулланаётган полвонларимиз халқаро кураш майдонларида бор маҳоратларини ишга солиб, муҳлис ва мутахассислар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Полвонларимиз зафари

Белбоғли кураш федерацияси билан ижтимоий шериклик ўрнатган «Адолат» СДП ҳам ота-боболаримиздан мерос қолган спорт турларини оммалаштириш, айнақса, ҳалоллик ва адолат тим-соли саналган курашга кенг жамоатчилик қизиқишини ошириш тарафдори.

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси тақвим режасидан жой олган сўнгги халқаро мусобақада вакилларимиз ўз қатыятларини кўрсатиб, яна бир бор кучли эканликларини исботлашди.

Яқинда Россиянинг Уфа шаҳрида белбоғли кураш бўйича жаҳон кубоги ҳамда Гран-при беллашуварлари бўлиб ўтди. Мазкур йирик мусобақада ҳамюртларимиз муносиб иштирок этишди. Ўттизга яқин давлатдан йиғилган энг кучли полвонлар дастлаб жаҳон кубогида голиб бўлиш учун гиламга кўтарилишди. Албатта, кучлилар ичида кучли бўлиш жуда қийин, аммо Шавкат Мирзақулов ҳамда Нейматулло Тўйчиевлар мубаийлиги қўл остида тобланган полвонлар жамоавий таркиб бўйича яқиний натижаларга кўра Россия курашчиларидан кейинги иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

Курашнинг классик йўналишида Залобиддин Ортиқов 75 кг., Рустам Умаров 82 кг. ҳамда Латиф Бадаловлар 90 кг. вазн оғирликда курашга тушиб 2-ўринни, Зоҳид Ортиқов эса, 90 кг. вазн бўйича 3-ўринни эгаллаб, кучли ўқликдан ўрин олишди.

100 кг. дан юқори вазнда Бобур Тўхтасинов 1-ўринни эгаллаган бўлса, Мансур Бахромов 2-ўринни, эркин йўналишида 68 кг. оғирликда Жаҳонгир Жуманов ва 82 кг.да Музаффар Сойибов 3-ўрин, Зоҳид Ортиқов эса 90 кг. вазнда курашга тушиб 2-ўрин билан шохсупадан жой олишди. Қизлар ўртасида 58 кг. вазнда Гулҳумор Дадабоева ўз рақибасини енгиб 3-ўринни эгаллади. Бу каби юрт фарзандлари жаҳонда белбоғли кураш мактабининг обрўсини оширишда ўз хиссаларини қўшиб, Ўзбекистонда спорт мактаби салоҳиятини намойиш этиб келишмоқда.

Шунингдек, жаҳон кубоги доирасида ўтказилган Халқаро турнир — Гран-при ҳам кучлиларни аниқлаб берди. Унда иштирок этган Зоҳид Ортиқов, Рустам Умаров, Музаффар Сойибов, Залобиддин Ортиқовлар иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишган бўлса, Бобур Тўхтасинов мутлоқ вазнда барча рақибларини енгиб ва жаҳон кубоги соҳибига айлиниб, мадҳиямиз садоси остида байроғимизнинг баланд ҳилпирашига ҳисса қўшди.

Ойбек ТОҶИБОВ,

«Adolat» мухбири

Чорраҳаларда видеофиксаторлар пайдо бўлади


2013 йил январидан Тошкент шаҳридаги борча чорраҳаларда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бузилишларини қайд этувчи видеофиксаторлар ўрнатилади. 2013 йилнинг иккинчи ярмидан эса борча вилоят марказларида ва бутун республика бўйлаб камераларни ўрнатиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ИИВ ЙХББнинг маълум қилишича, йўлларда бундай ускуналарни ўрнатишга эҳтиёж катта. Anons.uz маълум қилишича, бунинг учун давлат томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилган. Энди йўлларда инспекторлар ўрнини видеокамералар эгаллайди. Аммо энг гавжум йўл участкаларининг иккита бошида патрул машиналари туради.

Тизим жуда оддий ишлайди. Қондан бузганлик учун ҳайдовчи жаримага тортилади, бу ҳақда

ги хабарнома почта орқали келади. Жарима ўз вақтида тўланмаган тақдирда, унга муайян фоиз қўшилади.

Шубҳасиз, бу каби чоралар қондабузарликлар сонининг камайишига хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг жарималар миқдори ошганидан бери ўтган вақт мобайнида қондабузарликлар сони 35 фоизга қисқарган.



Ихтирочи автомобиль учун кўзгу яратди

Олмаликлик ихтирочи Темирхон Фойибназаров автомобилнинг ён томонларидаги орқани кўрсатувчи кўзгуга қўшмача қўриқ ўрнатилиш таклиф қилди.

Кинематик система воситасида ҳаракатланган бу кўзгу олдинги бампер ёнидаги оддий кўзгу кўрсатмайдиган ҳудудни назорат қилишга мўлжалланган.

Темирхон Фойибназаров ўз ихтироси учун Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлигиндан патент олди. Фойибназаровнинг ихтироси йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим восита бўлиши мумкин. Автомобиль ҳайдовчиларга маълум бўлганда, орқани кўрсатувчи ёнбош кўзгу назоратидан четда бўлган

хавфли бурчак мавжуд. Фойибназаров ихтиро қилган кўзгу ана шу кўринмас бурчакни ҳайдовчига кўрсатиб туради. Олмалик патент идораси раҳбари Михаил Голлицкийнинг айтишича, Фойибназаров ихтиро қилган ҳаракатлаб туриш кўзгу тор кўчаларда машина ҳайдаётган ҳайдовчи учун фойдали.

Қиш совуқ келадими?

Сўранг, жавоб берамиз

Бу йил қиш ўтган йилларгига нисбатан совуқ келар эмиш. Шу гап тўғрими?



Садоқат Пирназарова, Жиззах шаҳри.

Кузнинг сўнгги ойи ҳам туғаб бормоқда. Ноябрь — қуздан қишга ўтиш ойи ҳисобланади. Марказий Осиё иқлимида ушбу ойда узоқ муҳдат давомиди, айрим жойларда ой давомиди қуруқ ва илқ ҳаво сақланиб туриши оддий ҳол. Масалан, Тошкентда 2010 йилнинг ноябрь ойида атиги бир маротаба ёмғир ёғиб ўтган.

Бироқ мазкур ой учун хароратнинг пасайиши, об-ҳаво илқ давридан кескин совуқ даврга ўтиши хосдир. Ноябрь ойида ёғингарчилик асосан ёмғир, айрим пайтларда 2 кундан 5 кунгача қор кўринишида бўлиши қузатилган. Ўзбекистонда метеорологик қузатишларнинг ҳулосасига кўра, 2011



йилнинг ноябрь ойида қор кўринишидаги ёғингарчилик миқдори ундан аввалги йилларга нисбатан кўп бўлган. Республика аҳолиси бу йилги ноябрь ойининг ўзгарувчан

хусусиятини ҳис қилди. Бу йилги иқлимий маълумотларга мувофиқ, Ўзбекистонда ноябрь ойи октябр ойидан 4-6° га совуқ бўлиб, ёғингарчилик миқдори кескин кўпаяди. Ҳаво харорати кечаларда ўртача 20-25° илқидан 0-5° илқигача ўзгариб туради. 11 ва 12 ноябрь кунлари орасидаги харорат ўзгариши 20° атрофини ташкил этди. 19 ноябрда эса хароратнинг кескин пасайиши туфайли биринчи қор ҳам ёғиб ўтди.

Халқимиз орасида бу йил қиш совуқ келар экан, иқлим кескин ўзгарибди, деган нотўғри тушунча ҳосил бўлган. Қишнинг жуда совуқ келиши иқлимий ўзгариш сифатида баҳоланмайди. Атмосфера элементларидан бири бўлган ҳаво хароратининг ўртача илқлик кўрсаткичлари энг камидан ўн илқлик метеокузатув натижаларидан кескин фарқ қилсагина иқлим ўзгарган, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда қишнинг биринчи ойи аввалги йиллардан ажралиб турмайди. Декабр ойининг ўртача кундузги харорати республиканинг марказий ҳудудларида 7-12° илқини ташкил этса, тунги харорат 0° га яқин бўлади. Декабр ойида харорат кескин ўзгариб туради. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қиш ойлари илиқроқ бўляпти ва паст хароратлар деярли қузатилмаяпти. Совуқ йилларда декабр ойида 12-17° совуқгача, айрим йилларда бундан ҳам паст бўлади. Тошкентда 50 йил йилга хароратнинг абсолют минимум кўрсаткичи 29°С совуқни ташкил этган.

Хар бир фасл ўзининг инжиқликларига эга. Бироқ айни пайтда куз кузлигини, қиш қишлигини қилса, иқлимда номуносивиллик юзга келмайди, қурраи замин ҳам ўз вақтида керакли моддалар билан тўйинади.

Саволга Ўзбекистон Гидрометеорология маркази бош синоптики Ирина ЗАЙЦЕВА жавоб беради.

ADOLAT

ИЖТМОИЙ-СИЁСІЙ
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сіёсіі Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САЙФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқи бошлаган

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148).

Назбати муҳаррир — Қадридон ҚўЛДОШЕВ.
Назбати — Ойбек ТОҶИБОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5237

4 720 91 521 004

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 5861. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.45

1 2 4 5